

ИБН СИНОНИНГ АЙРИМ МИСТИК ҒОЯЛАРИ.

Бух МТИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси А.А.Абдуллаевич

Ибн Сино ижодининг биринчи ярмида фалсафий масалаларни ҳал қилишда ратсаналистик нуқтаи назарда турган бўлса кейинчалик у рухий масалаларни таҳлил қилар экан тасаввуфга яқин бўлган фикрлар унда шакллана бошлади. Биз буни унинг бир қатор рисолаларида кўришимиз мумкин. Ибн Сино ўзининг “Нурланиш” номли асарида инсоннинг рухий ривожини тўрт поғонага ажратади. Энг биринчи юқори поғонадан комилликка эришган руҳлар ўрин олган. Энг қуйи тўртинчи поғонада гуноҳга ботган, ёмонликлар қилган руҳлар жойлашган. “Нурланиш” номли трактатида, Абу Али ибн Сино руҳларнинг кўчиб юриши масаласини таҳлил қилади ва уни инсоният рухий ривожига таълимоти билан боғлайди. Инкарнация(жоннинг қайтиши) ва реинкарнация(жоннинг қайта танага кириши) муаммосини кўриб чиқиб, Абу Али ибн Сино инкарнация концепциясини тасдиқловчи, исботловчи кўпгина мантиқий мулоҳазаларни келтиради. Бунда у “маъад” тушунчасини киритади. Бу дунёнинг нариги томони бўлиб, тана ўлимидан сўнг руҳ ўша оламга ўтади. “Маъад” сўзи арабча “авд” (қайтиш) маъносидан келиб чиқади. “Маъад” - бу жой ёки ҳолатдир, унда нимадир жойлашган, сўнг у жойдан ёки ҳолатдан ажралиб, яна танага қайтади. “Маъад” - бу инсонлар ўлимидан сўнг қайтадиган жойдир, у реалдир, лекин заминий ҳаётдан алоҳида жойлашган¹.

“Маъад”да руҳлар кейинги танага киргунларича яшайдилар. “Маъад” дунёсида руҳ таълим олади, ҳамма хатолари ва адашишлари унинг олдида намоён бўлади ва уни изтиробга солади. Ана шу изтироблар натижасида руҳ покланади, кейинги танага киришга тайёрланади

¹ Абу Али ибн Сина. Избр. произв. Т.1. – Душанбе: Ирфон, 1980. С. 330-331.

Ибн Сино руҳнинг инсон танасига, ҳайвонотга ёки ўсимликларга қайтиб кириши ҳақида гапирган бир неча муаллифларнинг нуқтаи назарларини келтиради. Шунингдек, инкарнация ва реинкарнация муаммосини мантиқан ўйлаб, Абу Али ибн Сино инкарнация назариясини инкор этувчи муаллифларнинг карашларини ҳам келтиради. Ибн Синонинг таъкидича, мантиқий йўл билан руҳни танага қайтиб киришини исботлаш ҳам мумкин, инкор қилиш ҳам мумкин. Ибн Сино томонидан келтирилган руҳнинг қайтиши таълимотини ҳимояловчи далиллар унинг аксига нисбатан кучли ва салмоқлидир. “Собит ибн Курранинг фикрига ҳайрон бўлади. У бу баҳсни ҳал қилиб, руҳни танага қайтиши мумкин эмас, дейди”².

Ибн Синонинг фикрича, руҳнинг қайтиб келиши назариясини исботловчи энг салмоқли далил – бу руҳнинг эволюциясидир, инсонни комилликка интилишидир. Гарчи инсон руҳи фақат тана билан боғлиқ бўлганда эди, ерга фақат бир маротаба келганда эди, ерда ўзини комилликка эришиш имкониятидан маҳрум бўларди. Ибн Синонинг уқтиришича, руҳ фақат моддий тана билан биргаликда, жумладан, танадаги ҳаёт орқали ерда мукамалликка эришади. Руҳ ривожини учун бир танадаги ҳаёт етарли эмас. Мукамаллашиш жараёни абадийдир, макон ва замондан ташқаридадир. Шунинг учун ҳам тана ўлимидан сўнг руҳ маъадга қайтади ва руҳий таълим олади. Маъаддан сўнг руҳ ерга қайтиб, янги танага киради. Инсон руҳи абадийдир, у макон ва замонда ерда ҳам, самода ҳам саёҳат қилади.

Руҳий ривожланишнинг иккинчи поғонасида ҳақиқатни билувчи инсонлар жони жойлашган. Улар эзгуликни ёвузликдан ажрата оладилар, лекин уларнинг моддий эҳтиёжлари, нафс ва ҳирслари шунчалик кучлики, уларни назорат қила олмайдилар. Руҳий ривожланишнинг ушбу поғонасида турган инсонларнинг иродаси кучли эмас, улар ўз истак-хоҳишларини назорат қила олмайдилар. Инсон

² Ўша жойда. 343 – бет.

ўлимидан кейин бу жонлар маъад дунёсида покланадилар. Худонинг марҳамати орқали юқорироқ даражага ўтадилар. Иккинчи поғонада турувчи инсонларнинг жонлари ерда комилликка эриша олмайди, лекин маъад дунёсида юқори даражага кўтарилади.

Руҳий эволюциянинг учинчи поғонасида турувчи жонлар, ўзларининг заминий ҳаётида ҳеч кимга ёмонлик қилмайдилар. Лекин комилликка эришишга интилмайдилар ҳам. Улар ҳаёт гирдобидан айланаётган хас-чўп ҳолатини эслатади. Лекин улар тақдир гардишидан чиқиб кетиш учун жон-дилларидан ҳаракат қилади. Аммо бу ҳаракат муваффақиятсиз тугаб, зое кетади. Улар ғамгин ва аянчли ҳолатда қолади. Улар кундалик муаммолари тўрларига тобора ўралашиб, худбин манфаатлари чегарасидан чиқолмай қолади. Улар мисоли шиллик қурт каби ўзларининг тор дунёлари деворига бекиниб олади. Ўзгариш шамоли уларни ваҳимага солади. Улар ҳеч қандай ўзгаришни хоҳламайди. Зотан, бу ҳаётий тўфон уларнинг эски дунёсини бузиш учун хавф солади ва қотиб қолган қадриятларни ҳам ағдариб ташлайди. Ибн Синонинг фикрича, ушбу қалблар маъад дунёсида дўзах оловида куймайди. Лекин жаннат эшиклари ҳам улар учун ёпиқ. Уларнинг жойи аросатдадир.

Ибн Сино фикрича, руҳий роҳат ҳиссий роҳатланишдан нимаси билан фарқ қилади? Ҳиссий роҳатланиш асосида жисмоний хоҳиш, эҳтиросларни қондириш ётади. Руҳий роҳатланишда буларнинг ҳаммасидан воз кечиб, инсон ўз ички оламига киради. Бундай ички оламга ўтиш экстаз ҳолатида юз беради. Ибн Синонинг ёзишича, ҳиссий билим инсоннинг ички руҳий оламидаги билимни очишга ёрдам бермайди. Ҳиссий билим ҳодиса ва жараёнларнинг ҳақиқий моҳиятига етиб бормайди. Шундай қилиб ушбу мақоламизда Ибн Синонинг айрим тасаввуфий мистик ғояларини ёритишга ҳаракат қилдик.